2014 йил 26 март, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 60 (12.621)

Баҳоси эркин нархда

*Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ВАТАНГА САДОҚАТ ҚАСАМЁДИ

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўташни бошлаган аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.***

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, ушбу ҳарбий билим юрти Васийлик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш Ватан ҳимоячилари сафига қўшилаётган ҳар бир ўғлон ҳаётида унутилмас воқеадир. Улар Ватанимиз, Президентимиз, халқимизга содиқ бўлишга тантанали қасамёд қилиб, чинакам ҳарбий хизматчига айланади.

Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» монументининг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, ориятни, ғурур ва садоқатни ҳамма нарсадан устун қўядиган бизнинг халқимиз учун ҳарбий қасамёд – бу шунчаки расмий тадбир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир.

Ушбу ҳаяжонли дақиқалар нафақат ёш аскарлар, балки мана шу унутилмас онларни фахр-ифтихор билан кузатиб турган ота-оналар хотирасида ҳам умрбод сақланиб қолади.

– Ҳақиқий йигит киши ҳаётида фақат бир марта қасамёд қилади ва унга умрбод содиқ қолади, – дейди оддий аскар Ўткир Алиев. – Барча замонавий шарт-шароит, ҳарбий билим ва кўникмаларни эгаллаш, ирода ва матонатни янада чиниқтириш, келажакда ҳаётда ўз ўрнимизни топиш учун ажойиб имкониятлар яратилган миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётганим билан ғурурланаман. Менга билдирилган юксак ишончни оқлаш, Ватаним олдидаги муқаддас бурчимни шараф билан адо этиш, ҳалол, мард ва доимо сергак бўлишга ваъда бераман.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**
**Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат**

## «ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АМАЛДА ЎЗИНИ ТЎЛА ОҚЛАМОҚДА»

***Москвада Ўзбекистоннинг 2013 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Россия Федерацияси билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Тадбир чоғида Россиянинг қуйидаги таниқли экспертлари ушбу масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Александр Цыбульский, Россия Иқтисодий тараққиёт вазирлигининг МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича департаменти директори:**

— Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш учун тизимли қадамлар ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил апрель ойида Москвага буюрган расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка кучли туртки ва юксак ўсувчанлик бағишлади. Чунки мазкур ташриф чоғида иқтисодиёт йўналишини қамраб олган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар бор. Эришилган келишувларнинг муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилишида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Андрей Хриенко, «Вектор» Стратегик тадқиқотлар халқаро институтининг директори:**

— Дунёнинг қатор мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларидан қутула олмаётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон жиддий ва самарали иқтисодий кўрсаткичларни намоён қилмоқда. Бугунги кунга қадар статистика маълумотлари Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий тамойилларини белгилаб берган «ўзбек модели» ўзини амалда тўла оқлаётганини кўрсатмоқда.

Россия томони Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланаётганини кўриб турибди. Бу далил эса ҳар икки мамлакат кенг қамровли масалалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини ишонч билан қайд этишимизга имкон беради.

**Тамара Гузенкова, Россия Стратегик тадқиқотлар институти директорининг ўринбосари, Яқин хориж мамлакатлари муаммоларининг тадқиқотлари маркази директори:**

— Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти менда чуқур таассурот қолдирди.

Энг аввало, Ўзбекистонда кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор кўрсаткичлари қўлга киритилаётгани эътиборга сазовордир. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида пасайиш кузатилаётган бир пайтда Ўзбекистон ана шундай юқори натижаларга эришмоқда. Агар ўсиш суръатининг шундай даражаси сақланиб қолар экан, мамлакат иқтисодий қудратининг янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда республиканинг экспорт салоҳияти изчиллик билан ошиб бораётганини ҳам қайд этиш керак. Ўзбекистон ҳудудида замонавий автомобиллар, юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарадиган ва юқори технологияга асосланган бошқа йирик ишлаб чиқариш компаниялари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани бу йўналишдаги имкониятларнинг кенгайиб боришига кўмаклашмоқда.

**«Жаҳон» АА**
**Москва**

**Танлов давом этмоқда!**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» IX Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2013 йилнинг 31 мартидан 2014 йилнинг 31 мартигача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2014 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

**Журналистика соҳасида бош миллий мукофот**. Ғолиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.



Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Учтепа туманидаги С.Сирожиддинов номли академик лицейда «Баҳор нафасида гуллар ифори» мавзуида тадбир уюштирилди.

✓ **26-27** март кунлари Юнусобод туманидаги 274-мактабда умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида фан олимпиадаларининг шаҳар босқичи бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Темир йўл муҳандислари институтида «Талаба-ёшларнинг маънавий-ҳуқуқий, сиёсий ва эстетик қарашларини шакллантиришда оиланинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказилади.

## XXI аср садоси

*Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижон шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган бир гуруҳ аскарларнинг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Бухорода бўлиб ўтган инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркасида илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг юздан зиёд технология ва ишланмалари намойиш этилди.**

**● Наврўз байрами кенг нишонланаётган шу кунларда Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида замонавий маданият маркази иш бошлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида барпо этилган маданият марказининг 200 ўринли зали замонавий тарзда жиҳозланиб, санъаткор ва томошабинлар учун барча шароит яратилди.**

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида уюштирилган саломатлик поезди Навоий вилоятига етиб борди. «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ташкил қилинган навбатдаги саломатлик поезди таркибидаги шифокорлар вилоятнинг олис ҳудудларида яшайдиган аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.**

**● Сурхондарё вилоятида эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мавзусига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда вилоят адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Узоқ муддатли зиддиятдан сўнг Панама каналини қайта қуришни якунлаш бўйича ушбу сув йўли маъмурияти билан қурилиш компанияларининг консорциуми ўртасида келишувга эришилди. Келишувга мувофиқ канал маъмурияти қурилиш ишларини амалга ошириш учун 100 миллион доллар бўнак тўлайди. Консорциум ҳам ўз томонидан шунча маблағ сарфлайди. Режага кўра, канални қайта қуриш ишлари 2015 йилнинг декабрида ниҳоясига етказилиши керак.**

**● Таиланддаги тоғ йўлларидан бирида давлат хизматчиларини олиб кетаётган автобуснинг 150 метр баландликдан жарга қулаши натижасида йўловчиларнинг барчаси ҳаётдан кўз юмган.**

**● Алп тоғларининг Мэрибель курортида чанғи учаётган пайтида жиддий жароҳат олган машҳур германиялик автопойгачи Михаэль Шумахер сунъий ҳушдан кетиш ҳолатига туширилганидан буён жами йигирма килограмм вазнини йўқотган.**

**● ФИФА ташкилотининг суриштирув бўлими терговчиси Майк Гарсия 2018 ва 2022 йилги футбол бўйича жаҳон чемпионати мезбонларини аниқлаш борасида коррупцияга йўл қўйилганлиги масалалари бўйича УЕФА президенти Мишел Платини ҳамда УЕФА ижроия қўмитасининг бир қатор ходимларини тергов қилди. Шунингдек, ушбу масала бўйича ФИФА президенти Йозеф Блаттер ҳам терговга чақирилган.**

# ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

***Учтепа туманидаги «Жарбулоқ» маҳалласи шаҳримиздаги бир мунча кичик, бироқ аҳил ва ҳамжиҳат маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ушбу гўшада 512 та оила мавжуд бўлиб, 1 минг 900 га яқин аҳоли истиқомат қилади.***

Маҳалладаги барча тадбирлар ёш бўлса-да одамлар бошини қовуштириш хислатларига эга фуқаролар йиғини раиси Зиёвиддин Файзиев бошчилигида уюшқоқлик билан ўтказилади. Мўъжазгина болалар ўйин майдончаси ҳам доимо болалар билан гавжум.

Наврўзи олам шодиёналари ҳам «Жарбулоқ» маҳалласида ўзига хос тарзда нишонланди. Миродил Юсупов, Ҳакимжон Қурбонов каби фаоллар бош-қошлигида баҳорнинг дармондориларга бой ҳалим таоми тайёрланди. Дастурхонга кўк сомса, кўк чучвара, сумалак тортилди. Шу куни маҳалладошлар қутлуғ байрам билан бир-бирларини қутлашиб, Наврўз нашидасидан баҳраманд бўлишди.



***Халқимизнинг болажонлиги, меҳр-оқибати айниқса, Наврўз кунларида кўпроқ сезилмоқда. Бинобарин, Наврўз одамлар қалбида меҳр-оқибат, яхшилик, бирдамлик каби эзгу амалларни уйғотади. Шунинг учун бу байрамда кўпчилик қалби ўксик, ўзгаларнинг эътибор ва кўмагига муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, қувонч улашишга интилади.***

## ЁШ ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Олмазор туманидаги 24-Меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналарида бу жиҳат яққол намоён бўлди.

Байрам арафасида ушбу муассасада ҳашар ўтказилди. Яқин атрофдаги маҳаллалар вакиллари ва ҳомий ташкилотлар томонидан бу ерда кўплаб манзарали ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди, анвойи гуллар экилди. Каттагина ҳовли тартибга келтирилди. Бинолар эса байрамона безатилди.

— Бизнинг муассасамизда бугунги кунда 110 нафардан зиёд ўғил-қиз тарбияланмоқда, — дейди 24-Меҳрибонлик уйи директори Бахтиёр Қўчқоров. — Биз доимо болаларнинг соғлом, билимли ва баркамол тарзда ўсиши йўлида бор билимимиз, маҳоратимизни сарфлаймиз. Бу борада бизга кўплаб ҳомий ташкилотлар ёрдам бериб келишмоқда. Бугунги байрам тадбири ҳам уларнинг ёрдамида ташкил этилди.

Байрам тантаналари карнай-сурнай ва ноғора садолари остида бошланди. Дошқозонларда сумалак тайёрланди. Моҳир ошпазлар эса халқимизнинг севимли таоми ҳисобланмиш палов тайёрлашди. Тўкин дастурхон атрофида ўтирган ўғил-қизлар ва уларнинг мураббийларини ҳомий ташкилотларнинг вакиллари табриклашди ва совға-саломлар улашишди. Шу куни Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Саъдуллаев ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фатхулла Маъсудовлар ажойиб монологлар ижро этишди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева эса Ўзбекистон Миллий академик театри жамоаси номидан ўғил-қизлар ва уларнинг ўқитувчиларини табриклади.

Дарвоқе, шу куни Меҳрибонлик уйида қўшалоқ байрам бўлди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, бу ерда хатна қилинган 8 нафар болалар ҳам қутланди. Уларга бежирим тўнлар кийдирилди. Сўнг барча тўйболалар шаҳримизнинг кўркам манзилгоҳлари бўйлаб эртаклардагидек «Лимузин»ларда сайр қилдирилди. Хуллас, меҳр-оқибат, эзгулик тимсоли бўлмиш — Наврўз шукуҳи қалбларни қувончга тўлдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IX МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:**

*— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;*

*— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;*

*— паспорт нусхаси.*

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2014 йил 2 майда – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида «Туркистон» саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:**
**Ўзбекистон Республикаси, 100129,**
**Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 30-уй.**
**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси**
**3-қават, 30-, 35-хоналар**
**Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87.**
**www.Journalist.uz**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

## ДАРОМАДЛАРИНГИЗ ҲАҚИДА ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРДИНГИЗМИ?

Юртимизда халқ фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг реал даромадларини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ўз даромадларини кўпайтиришлари, уларни эркин тасарруф этишлари йўлида барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган. Меҳнат қонунчилигига кўра фуқароларимиз асосий иш жойидан ташқари бошқа корхона ва ташкилотларда ўриндошлик асосида меҳнат қилиб, ўзлари тегишли мол-мулкни ижарага бериш ва шунингдек қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланган ҳолда даромад олиш ҳуқуқига эгалар.

Олинган даромадларга эса қонунда белгиланган тартибда декларация асосида солиқ солинади. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация асосида солиққа тортиш муносабатлари Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади.

Бунга мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, жисмоний шахсларнинг фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олган даромадлари, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлари, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари киради.

Жисмоний шахслар ушбу даромадлари бўйича маълумотларни жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига шахсан бориб, почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек электрон шаклда тақдим этишлари мумкин. Бундай маълумотлар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай топширилиши лозим. Жисмоний шахснинг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадидан унинг аризасига кўра солиқ энг юқори ставка асосида ушлаб қолинган бўлса декларация тақдим этилмайди.

Мол-мулкини ижарага бериш орқали даромад пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки декларация тақдим этилиши лозим. Агарда ушбу ижарадан даромад олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этиши лозим. Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг белгиланган энг кам ставкаси бўйича солиқ солинади. Шу ўринда айтиш жоизки, 2014 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 7,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Анжуманда шунингдек, жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини реализация қилиш орқали олинган даромадларига солинадиган солиқлар бўйича ҳам маълумотлар берилди.

Тадбирда йиғилганларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**2014 йил — Соғлом бола йили**

## ЖУРНАЛИСТЛАР МАСЪУЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда журналистлар олдида турган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда депутатлар, турли ташкилотлар вакиллари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари, журналистлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Ш.Деҳқонов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни вояга етказиш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Давлат дастурида соғлом болалар туғилиши ва таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар белгиланган. Уларда кўзда тутилган мақсадларни кенг аҳолига етказиш журналистлар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситаларида ушбу мавзуга оид материаллар мунтазам эълон қилинмоқда. Бу борадаги тарғибот ишларини янада кучайтириш, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсади ва вазифаларини юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига ҳаётий мисоллар билан етказиш, халқимизнинг фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги фаоллигини ошириш журналистларнинг олдидаги устувор вазифадир.

Давра суҳбатида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари тўғрисида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этиш, унинг ижросини таъминлашда босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрлар олдида турган вазифаларни изчил ижро этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент туризм касб-ҳунар коллежида «Туризм учун инглиз тили» қўшма лойиҳаси доирасида республикамиздаги туризм коллежларининг инглиз тили ўқитувчилари учун семинар-тренинг ўтказилди. Тренинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ваколатхонаси томонидан ташкил этилди.***

**Анжуманлар**

## САМАРАЛИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Тадбирни ўтказишдан мақсад туризмга ихтисослашган коллежлар инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, касбга йўналган инглиз тилини ўқитиш методикаси ва унинг ўзига хосликлари бўйича тажриба алмашиш ҳисобланади. Машғулотлар доирасида иш берувчилар ва туризм соҳасидаги ишбилармонлар билан учрашув, инглиз тили курслари ташкил этилди. Ушбу тренинг касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчиларининг мулоқот ҳамда касбий жараёнга кириш кўникмаларини шакллантириш, соҳа терминологиясини ўрганишларида ҳам айниқса муҳим. Тренинг доирасида махсус мақсадлар учун, жумладан, касбга йўналган инглиз тилини ўқитишнинг ўзига хосликлари бўйича баҳс юритилди. Ушбу тренинг коллеж талабаларининг иш билан таъминланиши ва фаолият олиб боришларида муҳим бўлган таълимни рағбатлантиришга қаратилган. Олти кунлик тренинг касбга йўналган инглиз тилини ўқитиш методикаси бўйича машғулотларни ўз ичига олди ва иш юритиш ҳужжатларини муваффақиятли ёзиш, иш юзасидан мулоқот кўникмалари, бутун дунё ва Ўзбекистонда туризмнинг аҳамияти каби мавзуларни қамраб олди.

Маълумки, бугунги кунда дунё мулоқот тили сифатида инглиз тилини билиш меҳнат бозорида зарур бўлиб бормоқда. Шунга мувофиқ ҳолда республика ёшлари, хусусан, касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида хорижий тилларни ўрганиш оммалашмоқда. Мазкур тадбир шунингдек, ишга жойлашишда касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар битирувчиларининг имкониятларини оширади. Айнан шунинг учун ҳам «Махсус мақсадлар учун мўлжалланган инглиз тили» курси касбга оид ҳужжатларни юритиш, касбий жараёнга тез киришиб кетиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Маълумот ўрнида келтириш мумкинки, ҳар йили Ўзбекистонда туризм соҳасига ихтисослашган касб-ҳунар коллежларини 1700 нафарга яқин ўқувчилар битиради. Мазкур лойиҳада 20 нафар ўқитувчи қатнашмоқда. Улар ўз навбатида 30 нафар ўқувчининг билим олишини синовдан ўтказмоқда. Шу тарзда республикамиздан жами 500 нафар ўқувчи ушбу босқичдаги лойиҳага жалб этилган.

Таъкидлаш жоизки, Британия Кенгаши Ўрта махсус таълим касб-ҳунар маркази билан ҳамкорликда меҳнат бозорини ўрганиш ва ишлаш жараёнларида битирувчилардан талаб этиладиган кўникмаларни тадқиқ этиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. «Туризм учун инглиз тили» лойиҳаси тўрт йилга мўлжалланган ва ўз ичига қуйидаги уч йўналишни олади. Булар туризм коллежлари инглиз тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш, британиялик экспертларнинг профессионал кўмаги ва кўрсатмалари билан туризм коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилари учун инглиз тили бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш, қолаверса, туризм йўналиши бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришдан иборат.

Мазкур тренинг лойиҳа учинчи марта ташкил этилди ва йил бўйи давом эттирилиши режалаштирилган. Ўтган йилнинг август ва жорий йилнинг январь ойларида туризмга ихтисослашган барча коллежлар ўқитувчилари тренингларда муваффақиятли қатнашишди. Туризм соҳасига мўлжалланган лойиҳа муваффақият билан амалга ошса, бу тажриба хўжаликнинг бошқа тармоқларига ҳам татбиқ этилади.

Тадбир давомида хорижлик экспертларнинг профессионал кўмаги ва кўрсатмалари билан ўқувчилар учун инглиз тили бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқиш, қолаверса, туризм йўналиши бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**Бекзод САМАНДАРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабалари**

## ЎЗБЕК ПАЗАНДАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси делегациясининг 2014 йил 13-17 март кунлари Бухарест шаҳрида ўтказилган Жаҳон ошпазлик анъаналари конгрессида (WCCT) муваффақиятли иштирокига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси раиси А.Умаров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида маданиятимизни ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилаётган доимий эътибор ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий мерос ва маданий бойлик сифатида пазандалик санъатини сақлаб қолиш борасида катта ишлар амалга оширилди, миллий-тарихий анъаналар ва озиқ-овқат саноатининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда умумий овқатланиш ташкилотларини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилди. Бу борада юқори малакали ёш ошпазлар ва мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган «Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори миллий таомларимизни янада оммалаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, элликдан ортиқ мамлакат ўз миллий таомлари, анъана ва урф-одатларини намойиш этган биринчи жаҳон ошпазлик анъаналари конгрессида ўзбекистонлик пазандаларнинг ҳам иштирок этгани уларнинг халқаро майдонда эришган дастлабки ютуқларидандир. Конгресс Жаҳон бош ошпазлар ҳамжамияти уюшмаси, Руминия Миллий сайёҳлик ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган.

Шуниси эътиборлики, Ширин Алимова, Ражив Зокиров ва Абдулазиз Абдумавлонов каби ёш ошпазларимиз бошқа давлатларнинг тажрибали ошпазлари билан муносиб рақобатлашди. Улар Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган Халқаро ўзбек пазандачилик санъати маркази битирувчиларидир.

– Беллашувда жамоамиз палов, балиқ таомлари, миллий ширинликлар –ҳолвайтар ва димланган беҳи тайёрлади, – дейди Жаҳон ошпазлик анъаналари конгресси иштирокчиси Ш.Алимова. – Бошқа мамлакатлардан келган иштирокчиларнинг таомларимизни завқ билан татиб кўрганидан жуда хурсанд бўлдик. Миллий таомларга қўшиладиган барча маҳсулотлар серқуёш ўлкамизда етиштирилган мева-сабзавотлардан тайёрлангани ҳам муваффақиятга эришишимизда ёрдам берди.

Ошпазларимиз «Black Box» («Қора қути») танловида учинчи ўринни эгаллади. Ушбу танлов шартларига кўра, вакилларимиз ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган маълум бир маҳсулотлардан истаган таомни тайёрлаши керак эди. Натижада ўзбекистонлик ёш ошпазларнинг пазандалик маҳорати юқори баҳоланди. Мамлакатимиз делегацияси конгрессдаги иштироки учун медаль ва дипломлар билан ҳам тақдирланди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### «AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 30 апрель куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 21 август кунги 1-533/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 757 GA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 71 250 000 сўм. 2. 2013 йил 24 апрель кунги 1-189/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 M 220 EA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 265 850 сўм. 3. 2013 йил 5 сентябрь кунги 1-586/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 70 E 839 AA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 323 629 сўм. 4. 2013 йил 16 июнь кунги 1-399/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1993 йилда и/ч дав. бел. 01 U 379 HA бўлган «ДЭУ Рейсер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 050 000 сўм. 5. 2013 йил 19 август кунги 1-439/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1991 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 654 PA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 919 350 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, 2013 йил 25 ноябрь кунги 39356/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. «Достон» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. D 85 ESS бўлган «KOMATSU» русумли бульдозер. Бошланғич нархи 395 614 000 сўм. 2. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосний ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2000 йилда и/ч дав. бел. 49-93 ЕЦ бўлган «HYUNDAY ROBEX 3200LG» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 95 601 500 сўм. 3. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосний ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2002 йилда и/ч дав. бел. 52-59 ЕЦ бўлган «HYUNDAY ROBEX 1300W» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 114 160 625 сўм. 4. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, 4-насосний ЕСМС жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 357 ECA бўлган «ISUZU SYS 51 K» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 113 395 575 сўм. 5. «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 024 FAA бўлган «ISUZU SYS 51 K» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 112 541 475 сўм. 6. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Қўнғирот ЖШХ, ЗМУК шахтаси жарима майдончасида сақланаётган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 01 355 ECA бўлган «МАЗ 5334» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 35 405 950 сўм. 7. «Достон» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 358 ECA бўлган «УАЗ 31548-0195» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 655 100 сўм. 8. Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Қўнғирот ЖШХ, ЗМУК шахтаси жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 253 EAA бўлган «Камаз 53228» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 143 526 075 сўм. 9. «Достон» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 052 CBA бўлган «Шевролет Нива 212300-55 GLS» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 536 500 сўм.

2014 йил 15 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431/12 сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 N 79-77 бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 61 036 280 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 C 909 BA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 66 192 800 сўм. 3. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 M 157 GA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 64 059 770 сўм. 4. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 797 BA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 61 036 280 сўм. 5. 2012 йил 2 февраль кунги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 C 479 KA бўлган «Эсперо» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 031 294 сўм. 6. 2013 йил 12 февраль кунги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 G 898 LA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 40 114 432 сўм. 7. 2013 йил 1 февраль кунги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 01 W 569 KA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 986 065 сўм. 8. 2013 йил 8 февраль кунги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч дав. бел. 30 R 5531 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 25 901 299 сўм. 9. 2012 йил 12 ноябрь кунги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 30 520 RAA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 68 064 337 сўм. 10. 2012 йил 19 январь кунги 1-438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 204 FA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 53 223 873 сўм. 11. 2012 йил 12 март кунги ижро варақага асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 M 002441 бўлган «ISUZU SAZ NP37» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 46 190 853 сўм. 12. 2012 йил 12 март кунги ижро варақага асосан хатланган, 1994 йилда и/ч дав. бел. 01 C 521 CA бўлган «Мерседес Бенц 100Д» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 11 015 329 сўм. 13. 2013 йил 8 май кунги ижро варақага асосан хатланган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 01 M 277 JA бўлган «Газ 31029СПГ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 5 783 792 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 3 август кунги ижро варақага асосан хатланган, Сергели туман СИБ ҳовлисида сақланаётган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 30 H 488 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 15 217 442,90 сўм. 2. 2013 йил 2 июль кунги 1-397/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ ҳудудида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 160 GCA бўлган «HOWO» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 101 641 113,28 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳафтанинг расмий иш кунлари қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

*Гувоҳнома: 006388.*

---

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Барчангизни уйғониш ва яшариш, гўзаллик ҳамда нафосат, саховат ва мурувват рамзи бўлган Наврўзи олам билан муборакбод этамиз.*

**Сизларга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва омад тилаймиз. Ишларингиз ҳамиша бароридан келсин.**

***ИРРИГАЦИЯ ХЎЖАЛИГИ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОБЪЕКТЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ***

---

### ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

*Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясининг марказий диспетчерлик хизматида 1062 рақамли ишонч телефони ташкил этилди. Бу ерда Сиз шаҳар жамоат транспортининг иши юзасидан операторга ўз фикрингизни билдиришингиз ҳамда «такси буюртмаси» хизматидан фойдаланишингиз мумкин.*




---

«MALIKA PERFECT» МЧЖ (ИНН:302458013) «MALIKA PERFECT» хусусий корхона шаклида қайта ташкил этилди. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тамараxоним кўчаси, 5/13-уй. Тел:(90) 906-34-33, (90) 370-55-60.

---

Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан 2009 йил 17 июлда реестр тартиб рақами №000146-09 билан рўйхатдан ўтган Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-а уйда жойлашган «SHAYXONTOXUR INVEST» Давлат корхонаси (СТИР: 204854052) туман ҳокимининг 2014 йил 19 мартдаги қарорига кўра тугатилади.

Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой давомида Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-а уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел: 241-24-24.

---

### «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

---

UZTELECOM

### «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг

### «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали мижозлари диққатига!

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва оптималлаштириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбир режасига мувофиқ жорий йилнинг апрель, май ойларида, Янгиобод телефон боғламаси 291, 293, 299, 283 - ЭАТСлар ҳудудида ўрнатилган MSAN қурилмасининг ишга тушиш муносабати билан Жарқўрғон, Зоҳидов, Эски отчопар, Оқ дарё, Оқ билол, Фарғона йўли, Ўш, Қашқадарё, Боку, Мурғоб, Ахсикат ва уларга туташ тор, берк ва муюлиш кўчаларида истиқомат қилувчи аҳолининг телефон рақамлари янги кўчма концентраторига кўчириб ўтказилади ҳамда, 293 ЭАТС рақамлари бошқа индексли рақамларга ўзгартирилади. Қисқа алоқа узилиши мумкин бўлган ҳолатларда келтирилган ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз

**Мурожаат учун телефон: 297-29-99.**

---

### «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 16 декабрдаги 1109/18375-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси ҳудудидаги савдо марказида жойлашган «Tehnotrastplus» МЧЖга тегишли, «Е» блок умумий майдони 453 кв.м, «Н» блок умумий майдони 453 кв.м, «М» блок умумий майдони 483 кв.м, «О» блок умумий майдони 395 кв.м, «П» блок умумий майдони 65 кв.м бўлган «Савдо маркази» такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 1 876 800 750 сўм.**

**Аукцион савдоси 2014 йил 14 апрель куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 11 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

---

**«SPARETRA» МЧЖнинг номи Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясининг 2014 йил 17 мартдаги 01-17/1283 – сонли хатига асосан «NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ номига давлат рўйхатидан ўтказилди ва почта манзили Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уйга ўзгарганлиги ҳақида маълум қиламиз.**

**«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 421/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч. «М-412» д.р. 10 O 160 AA. Бошланғич баҳоси – 822 661 сўм. 2. № 13935/10-сонли ижро ҳужжатига асосан «Газ-2410» д.р. 10 F 4630. Бошланғич баҳоси – 748 316 сўм. 3. № 7340/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. «Ваз-21011» д.р. 11 Y 0567. Бошланғич баҳоси – 1 440 732 сўм. 4. № 9006/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 10 T 1132. Бошланғич баҳоси – 691 325 сўм. 5. № 11709/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и.ч. «Ваз-2101» д.р. 11 U 1729. Бошланғич баҳоси – 600 788 сўм. 6. № 13655/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 11 J 4291. Бошланғич баҳоси – 476 494 сўм. 7. № 14203/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и.ч. «М-412» д.р. 11 I 1674. Бошланғич баҳоси – 352 056 сўм. 8. № 14925/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 11 Z 0447. Бошланғич баҳоси – 397 207 сўм. 9. № 527/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 30 A 6952. Бошланғич баҳоси – 580 513 сўм. 10. № 605/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1972 й. и.ч. «Газ-24» д.р. 11 Z 0137. Бошланғич баҳоси – 580 513 сўм. 11. № 11713/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1973 й. и.ч. «Ваз-2102» д.р. 11 Y 7240. Бошланғич баҳоси – 534337 сўм. 12. № 11709/9-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч. «М-412 ИЭ» д.р. 11 F 5332. Бошланғич баҳоси – 226 782 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 9 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «New Trans Alliance» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси, 1-уй. Телефон: (8371) 262-35-99.

---

**Ҳукм ўқилди**

# СЎНГГИ ПУШАЙМОНДАН ФОЙДА ЙЎҚ

***Халқимизда яхши бир нақл бор — «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман». Мана шу ҳимкатга амал қилмаганлар пушаймонлик кўчасида саросар кезадилар. Ўйламай босилган қадамнинг жабрини тортадилар.***

Самариддин Илҳомов ва Ҳакимжон Обидовлар (исм- фамилиялар ўзгартирилган) ҳам охирини ўйламай қилган ишлари учун бугун бошлари эгик, қонун олдида жавоб бермоқдалар. Қонун эса барчага баробар. Шу жамиятда яшаб турган ҳар бир инсон мавжуд қонунларга амал қилиши, ноқонуний ишларга қўл уришдан олдин қинғир ишнинг қийиғи чиқиши, бунинг учун эртага жавоб бериши кераклигини вақтида англаши лозим. Акс ҳолда...

Самариддин уйқудан туриши билан бугунги ишларини хом- чўт қилиб олди. Ўзи билан бир йилдан бери «яқин ҳамкор»га айланган шериги Ҳакимжон билан қўнғироқлашиб йўлга тушди. У бир оиланинг бошлиғи, икки фарзанднинг отаси. Аллақачон ҳалол луқма топиш, фарзандларига ҳам тўғри тарбия бериш ёшига етган. Лекин у осонгина пул ишлаш, ноқонуний йўллар билан даромад қилиш илинжида, қонунга хилоф равишда чет эл валютасининг олди-сотдиси билан шуғулланиб келган. Лекин ҳамма ишнинг охири бўлганидек «кўза кунда эмас, кунида синади».

Кунларнинг бирида савдо авжи қизиган вақтда «қилаётган ишингизни тушунтириб беришингизга тўғри келади» дейишди қонун посбонлари. Шошиб қолган шоввозларнинг бирдан нафаслари ичига тушиб кетди, гўёки «кўзлари» ярқ этиб очилди. Ёнларидаги бор пуллари ва чет эл валютасини топшириб, айбларини тўлиқ бўйниларига олишди. Қилган ишларидан астойдил пушаймон эканликларини айтиб енгилроқ жазо берилишини сўрашди. Лекин энди кеч. Сўнгги пушаймондан фойда йўқ, қонунбузарларнинг қилмишларига яраша жавоб беришларига тўғри келади.

Ушбу жиноий иш Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судида ҳар томонлама пухта ўрганилиб, давлатимиз томонидан эътибор қаратилган инсонпарварлик тамойилларига амал қилингани ҳолда кўриб чиқилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-қарорининг 37-бандида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд судланувчи С. Илҳомов ва Ҳ. Обидовларга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, ушбу қилмишнинг сабабларини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, дастлабки тергов ва суд давомида тўғри кўргазмалар бериб, жиноятнинг очилишида фаол иштирок этганлиги, оилавий шароити, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчи эканликлари, яшаш жойларидан ижобий тавсифланишини жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топди ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57-моддасига мувофиқ жарима жазосини тайинлашни лозим топди. Унга кўра ҳамтовоқларга энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Хулоса қилишдан олдин киши ўйга толади. Ҳаёт инсонга атиги бир мартагина берилади. Шундай экан, нега ушбу бебаҳо неъматнинг қадрига етмаймиз? Умримизнинг энг азиз дамларини билиб туриб елга совурамиз. Нафақат ўзимиз, балки яқинларимизни ҳам ташвишга қўйиб номақбул ишларга қўл урамиз? Ота-оналар, биз катталар фарзандларимиз тарбиясига янада жиддийроқ эътибор қаратсак шундай кўнгилсизликларнинг олдини олармидик. Ахир жамиятимиз тараққиёти, юртимиз тинчлиги учун ҳар томонлама комил инсонни вояга етказиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Буни унутмаслигимиз лозим.

**Жамолиддин ХУДОЙҚУЛОВ,**
**Юнусобод туман прокуратураси терговчиси**

Спорт янгиликлари

# ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

***Пойтахтимизда шахмат бўйича олий лига вакиллари ўртасидаги Ўзбекистон чемпионати старт олди.***

Унда мамлакатимизнинг энг иқтидорли «ақл гимнастикаси» усталари ғолиблик учун дона суришмоқда. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги баҳслар швейцарча усулда ташкил этилган мусобақада шахматчилар омадларини синовдан ўтказишмоқда.

Ушбу баҳслар келгусида шахмат бўйича ўтказиладиган халқаро турнирлар олдидан ҳамюртларимизга ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ.

***Футбол бўйича мамлакат XXIII миллий чемпионатининг профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги учинчи тур беллашувларидан сўнг фақат учта команда — «Олмалиқ», «Бунёдкор» ва «Пахтакор» олтитадан очко жамғариб турнир жадвалида пешқадамлик қилишмоқда.***

# УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР, ОЧКОЛАР

Аввалги турда ўз майдонида «Қизилқум»ни муросасиз баҳсда енга олган амалдаги чемпион бу сафар Муборакда «Машъал» меҳмони бўлди. Қизиқарли кечган баҳсда тошкентлик футболчилар мезбонларни 2:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Жўраев ва Шодиев голларга муаллифлик қилишди.

Фарғонада «Нефтчи» меҳмони бўлган «Пахтакор» муросасиз кечган беллашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал этиб, сафардан уч очко билан қайтди. Дарвозаларга голларни «Нефтчи»дан Жиянмуродов, «Пахтакор»дан Козак, Андреевлар киритишди.

Турнинг марказий учрашуви ҳисобланган «Локомотив» — «Насаф» жамоалари баҳси 1:1 ҳисобида якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Қизилқум» — «Андижон» — 1:0, «Олмалиқ» — «Сўғдиёна» — 4:2, «Бухоро» — «Навбаҳор» — 0:2, «Динамо» — «Металлург» — 2:0.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗНИНГ НИЯТИ ЖИДДИЙ

***Хитой Тайпейининг Тайбей шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича 12-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қиладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир бўлиб ўтмоқда.***

Мазкур мусобақада мамлакатимиз шарафини 15 дан зиёд таэквондочилар ҳимоя қилишади. Улар орасида Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бир қатор халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, совриндорлар қаторидан жой олиб келган умидли ёш спортчиларимиздан Умида Абдуллаева, Динара Маматибрагимова, Нигора Турсунқулова, Валентин Хегай, Руслан Шин, Шаҳриёр Субҳонов, Ғанижон Хурилбоев, Шаҳбоз Шофайзиев каби спортчиларнинг борлиги қувонарли ҳол, албатта.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, жорий йилда Тошкент шаҳри таэквондонинг WTF йўналиши бўйича Осиё чемпионатига мезбонлик қилади.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ**

Кўргазмалар

# АМАЛИЙ САНЪАТ УСТАЛАРИ АСАРЛАРИ

***Ўзбекистон Амалий санъат музейида «Амалий санъат асарларида Наврўз жилолари» номли кўргазма очилди.***

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган амалий санъат асарлари халқ мероси, тарихи, санъати намуналари бўлиб томошабинга маънавий озиқ беради. Ушбу кўргазмадан ўзбек амалий санъати усталари томонидан яратилган каштачилик, кулолчилик буюмлари, мато ва либослар жой олган.

— Кулолчилик санъати ўзбек халқининг энг қадимги амалий санъат тури ҳисобланади, — дейди ғиждувонлик уста ҳунарманд Назруллаевлар сулоласининг вакили Маҳфуза Назруллаева. — Кулолчилик авлоддан авлодга, отадан ўғилга мерос бўлиб, уни фақат ота авлод давом эттирган.

Экспозициядан ўлкамизнинг турли вилоятлар либослари ўрин олган. Кийим-кечаклар халқимиз тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, у моддий-маданий ёдгорликлар ичида халқимизнинг миллий ўзига хослигини акс эттириб, этник безаклари билан ажралиб туради.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

«101»

# НОСОЗ МОСЛАМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНМАНГ

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати идоралари томонидан иқтисодиёт тармоқлари, маданий-маиший иншоотлар ва аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини кучайтириш, содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар олиб борилмоқда. Ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтирган ҳолда, уларга риоя этиш, олдини олишга эътибор қаратишдан иборатдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олов билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. «Ўз уйингни ўзинг асра» шиори ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, ҳар бир корхона ва муассасага тааллуқли. Шундай экан, ҳамиша эҳтиёткорлик борасидаги насиҳатларимизни фарзандларимиздан аямаслигимиз керак.

Ёнғин бир неча сонияда инсонларни мол-мулкидан, яқинларидан ажратиб юборадиган бир офатдир. Содир бўладиган ёнғинлар неча-неча кишиларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда. Ачинарлиси эса бу офат беparволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз оқибатида рўй бериши мумкин.

Азиз ҳамшаҳарлар, бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида барчани ҳушёрликка чақирамиз. Асосийси, қуйидаги қоидаларга амал қилишингизни сўраймиз.

— хоналарда носоз электр мосламалардан фойдаланманг;

— электр чироқларини ёниқ ҳолда, назоратсиз қолдирманг;

— хонадан чиқишда электр иситиш печкаларини ўчириш муҳимлигини унутманг;

— қисқа туташув ёки тутун исини сезганда дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизмати «101»га хабар беринг.

**Маъмур ФИРМАТОВ,**
**Тошкент метрополитенини қўриқлаш бўйича**
**ИИБ ЁХБ инспектори**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 март** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража илиқ, кундузи — 11-13 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.*


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Ҳамшаҳарларимиз диққатига!*

## ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

ДУК «Сувсоз» катта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шунингдек, 2014 йил баҳорги-ёзги мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

**31 март соат 09.00 дан 1 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Амир Темур шоҳкўчаси Шаҳристон кўчасидан Аҳмад Дониш кўчасигача, 2 даҳа коттежларда, туман халқ суди, Ҳабиб Абдуллаев метро бекатида.

**1 апрель соат 09.00 дан 1 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: **Зангиота тумани бўйича**: «Навбаҳор», «Наврўз», Мусаев» маҳаллаларида.

**2 апрель соат 09.00 дан 3 апрель соат 09.00 гача**

1.Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Қорасув 1, 2, 3 мавзеларида, Фазо, Шамс, Гулсара, Садаф, Интизор, Баҳодир кўчаларида, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида.

**2 апрель соат 09.00 дан 3 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: **Олмазор тумани бўйича** Аҳмад Дониш, Мискин, Янгиер, Олмазор, Тешикқопқоқ, Минор кўчаларида.

2. Босим пасаяди. Файзибаланд, Олмазор, Тешикқопқоқ кўчаларида.

**3 апрель соат 09.00 дан 4 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Тинчлик, Зафаробод, маҳаллаларида, Кўкча кошонаси, 92, 113, 192, 466-сонли мактабларда, 71, 111, 468-сонли мактабгача таълим муассасаларида, 98-сонли интернатда.

2. Босим пасаяди: «Жарариқ», «Тинчлик», «Илғор» маҳаллаларида.

**7 апрель соат 09.00 дан 8 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Мирзо Улуғбек кўчаси 144, 148, 150, 152, 154, 156, 158-сонли кўп қаватли уйларда, Феруза мавзеси 47, 48, 50-сонли кўп қаватли уйларда, Феруза кўчаси 30, 32, 33, 34 кўп қаватли уйларда, Касаба, Оромбахш, Оймариқ кўчаларида, 378-сонли болалар боғчасида, Ногиронлар коллежида.

**8 апрель соат 09.00 дан 9 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Олмазор тумани бўйича:** «Аҳил», «Мойариқ», «Мойқўрғон», «Бешқўрғон» маҳаллаларида

2. Босим пасаяди: Бешқўрғон мавзесида.

**8 апрель соат 09.00 дан 9 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** «Аҳрорoбод», «Шарқ ҳақиқати», «Исломобод», «Дархон» маҳаллаларида, Болалар ўпка касалликлари диспансерида, пансионатда.

2. Босим пасаяди: «Аҳилобод» маҳалласида.

**9 апрель соат 09.00 дан 10 апрель соат 09.00 гача**

1 Сув бўлмайди: — **Олмазор тумани бўйича:** «Шифокорлар», «Чилтўғон», «Беруний», «Бўстон», «Ёшлик», «Мустақиллик», Хислат маҳаллаларида, Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги касалхонада.

**— Шайхонтоҳур тумани бўйича:** «Жарариқ», «Белтепа», «Ўзбекистон» маҳаллаларида.

2. Сув босими пасаяди: — **Олмазор тумани бўйича:** Бешқўрғон, Олимпия мавзесида, Шифокорлар шаҳарчасида, Қамарнисо кўчасида, Тошкент Тиббиёт академиясида.

**9 апрель соат 09.00 дан 10 апрель соат 09.00 гача**

1 Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** «Ўрикзор», «Кўксарой» маҳаллаларида, Карвонбозор, Тошкент агротижорат коллежида.

**— Зангиота тумани бўйича:** «Бирлик», «Мустақиллик» маҳаллаларида.

2. Сув босими пасаяди: — **Учтепа тумани бўйича:** «Кўркамобод», «Тақачи» маҳаллаларида, Тақачи мавзесидаги 50, 52, 54, 56, 58, 60, 62, 64-сонли кўп қаватли уйларда.

**14 апрель соат 09.00 дан 15 апрель соат 09.00 гача**

1.Сув бўлмайди: — **Учтепа тумани бўйича:** «Катта Қаъни», «Қозигузар» маҳаллаларида, 203-сонли мактаб, «Мингўрик» кафесида, 2-сонли трамвай депосида.

2. Сув босими пасаяди: «Катта Қаъни», «Қозигузар» маҳаллаларида.

**16 апрель соат 09.00 дан 17 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Яккасарой тумани бўйича:** КХДР элчихонаси, «Хосилот» ва «Астория» меҳмонхоналари, Тошкент тижорат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида.

**Сергели тумани бўйича:** Саъдий кўчасида.

2. Сув босими пасаяди: Қон қуйиш институти, «Осиё Тошкент» меҳмонхонаси, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Шота Руставели кўчаси 122 уйдан 172-сонли мактабгача.

**17 апрель соат 09.00 дан 18 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Шайхонтоҳур тумани бўйича:** М-13, Нон ишлаб чиқариш корхонасида, «Турон» меҳмонхонасида, Миллий хавфсизлик хизматида, Метрополитен бошқармасида, АВИР, Консерватория, Киночилар уйи, Лукойл, СМИ институти, Ёзувчилар уйи, 10-сонли мактабда, 3, 16, 76-сонли мактабгача таълим муассасаларида.

2. Сув босими пасаяди: М-12, М-13, М-14, М-15, Алоқа коллежи, Тошкент Давлат техника университети қошидаги авиация факультети, «Пахтакор» стадиони, Қоратош, Бешёғоч, Чорсу мавзеларида, Абдулла Қодирий кўчаси, 3-уйда.

**21 апрель соат 09.00 дан 22 апрель соат 21.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** «Чоштепа», Навоий маҳаллаларида, 4-сонли автосаройда, Мачит, 32, 303-сонли мактабларда, 11-сонли оилавий шифохонада, 605-сонли мактабгача таълим муассасаларида.

**22 апрель соат 09.00 дан 23 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Ҳамза тумани бўйича:** «Тарновбоши», «Янгиобод», «Ойдинкул», «Бунёдкор», «Янги Нур», «Донишманд», «Катта Олмос» маҳаллаларида.

2. Сув босими пасаяди: **Ҳамза тумани бўйича:** «Беҳизор», «Катта Янгиобод» маҳаллаларида.

**Бектемир тумани бўйича:** Абай, Ҳусайн Бойқаро маҳаллаларида, Сувсоз 1, 2 даҳасида, «Бектемирспирт» корхонасида.

**Сергели тумани бўйича:** «Обод», «Қумариқ» маҳаллаларида, Сергели 5, 6, 7, 8, 8а, Йўлдош 1, 2, 4, 7, Дўстлик 1, 2 , 16, Қурувчилар мавзеларида, Зиёкор, Қўшқўрғон, Ўқитувчилар, Олмазор кўчаларида.

**Зангиота тумани бўйича:** «Номданак», «Янги Турмуш», «Бобур», «Хонобод» маҳаллаларида.

**23 апрель соат 09.00 дан 24 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув босими пасаяди: **Чилонзор тумани бўйича**: «Катта Қозиробод» маҳалласида, Чўпонота кўчаси 1, 2а, 2б, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 кўп қаватли уйларда, Чилонзор 2 мавзеси 62, 63, 64, 65, 66, 67, 68, 77, 79, 81-сонли кўп қаватли уйларда, 138-сонли мактабда.

2. Сув босими пасаяди: 1 Чархкамолон маҳалласи, Чилонзор 2, 3 мавзеларида.

**24 апрель соат 09.00 дан 25 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Ҳамза тумани бўйича:** «Иқбол», Муқимий, Қўйлиқ ота, «Бунёдкор» маҳаллаларида, Қурувчилар мавзеси, Спорт моллари базаси, Ресторанлар базаси, «МАН» автобазаси, «Шоҳруҳ» автобазаси.

**Миробод тумани бўйича:** Қўйлиқ 1, 2, 3, 4 мавзеларида, «Билимдон», «Парвона», Баратхўжа, Қўйлиқ ота, «Матонат» маҳаллаларида.

**28 апрель соат 09.00 дан 29 апрель соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** Навоий, Нўғайқўрғон маҳаллаларида, Саъдий кўчасида.

2. Сув босими пасаяди: Нўғайқўрғон маҳалласида қисман.

**30 апрель соат 21.00 дан 1 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Ҳумоюн, Югнакий мавзеларида, Нейрохирургия шифохонасида.

**Қибрай тумани бўйича:** Геофизикада.

**1 май соат 09.00 дан 2 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Бодомзор кўчаси 2, 2а кўп қаватли уйларда.

**5 май соат 09.00 дан 6 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Чилонзор тумани бўйича:** Чилонзор 7 мавзе 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 18, 19, 20, 21, 22, 24, 25, 26, 30, 34, 35, 37-сонли кўп қаватли уйларда, 265-сонли мактабгача таълим муассасасида, 79-сонли мактабда, «2-Чархкамолон», «3-Чархкамолон» маҳаллаларида.

**Шайхонтоҳур тумани бўйича:** Оқтепа мавзесида, Оқтепа микрорайонида, Гулханий кўчасида, Самарқанд Дарвоза 202/1, 202/2, 202/3, 202/4-сонли кўп қаватли уйларда.

**6 май соат 21.00 дан 7 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Ҳумоюн, Югнакий мавзеларида, Нейрохирургия шифохонасида.

**Қибрай тумани бўйича:** Геофизикада.

**12 май соат 09.00 дан 13 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** Гулшан, Ўртасарой, Машинасозлар, Қизил Қўрғон, Чаманбоғ 1,2 тор кўчаларида.

**Мирзо Улуғбек тумани бўйича:** Мағрур, Навниҳол кўчаларида, Ҳарбий қўшинларга қарашли марказий касалхонада.

**13 май соат 09.00 дан 14 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Сергели тумани бўйича:** Аэропорт 1-тор кўчасида.

2. Сув босими пасаяди: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида.

**15 май соат 09.00 дан 16 май соат 09.00 гача**

1. Сув бўлмайди: — **Юнусобод тумани бўйича:** «Шаҳристон», Ғайратий, «Юнусобод», «1-Отчопар», «2-Отчопар», «Мингўрик» маҳаллаларида, 63-сонли мактаб ва иссиқхонада, Бухоро кафеси, «Самсунг» дўконида.

2. Сув босими пасаяди: — 7-шаҳар касалхонасида.

Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.

Маълумот учун телефонлар: 256-10-95, 252-55-78, 252-60-08.



Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 14170 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5